

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI:  
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**Xalqaro ilmiy konferensiya  
2022-yil 22-noyabr**

2. Габбасова, Л. З. Инновационные технологии в образовательном процессе / Л. З. Габбасова. — Текст: непосредственный // Инновационные педагогические технологии: материалы V Междунар. науч. конф. (г. Казань, октябрь 2016 г.). — Казань: Бук, 2016. — С. 61-63. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/207/11108/> (дата обращения: 25.03.2021).
3. Мамедов Н. М. Теоретические основы экологического образования //Экологическое образование и устойчивое развитие. - М., 1995.
4. Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка. Издательство «Азъ», 1992.
5. Селевко, Г. Я. Освоение технологии самовоспитания личности школьников: как стать экспериментальной площадкой/ Г. Я. Селевко// Народное образование. — 2015. — № 1. — с.181. Загвязинский, В. И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука/ В. И. Загвязинский// Инновационные процессы в образовании: Сборник научных трудов. — Тюмень, 2013. — с. 8.

## СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Ганжиев Ф.Ф.- п.ф.б.ф.д. (PhD), БухДУ**

**Abstract.** The article discusses the methodology of formation of the general (basic) competence of pedagogical personnel, including preschool teachers, its basic structure.

**Key concepts:** competence, common competence, image, projecting.

Жаҳонда педагогик кадрлар тайёрлашнинг замонавий инновацион тизимларини яратиш асосида сўнгги ўн йилликларда таълимнинг ривожланиши кўпроқ педагогларнинг узлуксиз касбий камолотини такомиллаштиришга йўналтирилган ижтимоий-психологик компетентлиги ривожланишини таъминловчи омилларга боғлиқ бўлиши масалалари долзарблашиб бормокда. Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги «Ҳамкорлик стратегияси», Олий касбий таълим муассасалари Европа ассоциациясининг «EURASHE», «ENIC-NARIC» ахборот-тизим марказлари, Таълим соҳасидаги Халқаро ташкилот «EDUCATION INTERNATIONAL» хужжатларида педагог кадрларга алоҳида талабларнинг кўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада педагог-кадрларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос креатив ёндашувларига эътибор бериш, уларнинг профессионал, коммуникатив таъсир компетенцияларини қарор топтириш орқали фаолияти натижадорлигини таъминлаш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Бизнинг тадқиқот обьектимизнинг ўзига хос томонини ҳисобга олган ҳолда диссертацион тадқиқотимизни ташкил этишга эътибор қаратдик. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ижтимоий-психологик компетенслигини белгилашда шахс типлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий фаолияти маълум даражадаги шахслик хусусиятлари билан уйғунлашувни тақозо этади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилардаги эмоционал барқарорликнинг хавотирланиш даражасини пасайишига тескари пропорционал боғлиқлиги туфайли уларда ижтимоий-психологик компетентликни шакллантириш мумкинлигини аниқлашга қаратилган вазифамиздан келиб чиқиб, тадқиқотда даставвал ижтимоий-психологик компетентликни юқорида санаб ўтилган омиллар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашни лозим топдик. Шу боисдан ҳар бир тарбиячидаги коммуникатив компетентликнинг нечоғлик шаклланганлигини тадқиқ қилиш мақсадида В.Н.Куницинанинг «Коском» (Коммуникатив ва социал компетентликни аниқлаш) сўровномасидан фойдаландик. Бу сўровнома орқали мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси сўровномаси билан коммуникатив ва социал компетенслилиги хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги қирраларини тадқиқ қилиш имконияти туғилади. Бу эса мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий компетентлигини бошқа жиҳатларни ёритишга ҳам ёрдам беради. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлиги қатор жабхалар асосида ёритилди. Дастрслаб мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг коммуникатив ва социал компетентликни

аниқлашдан олинган кўрсаткичлар мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида фоиз хисобида аниқланди. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш орқали муаммонинг янги қирралари қирралари очилди. Мазкур методикадан олинган натижалар қўйидаги жадвалда акс этган.

### 1-жадвал

#### Тарбиячилар ижтимоий-психологик компетентлигининг коммуникатив ва социал компетентлилик омиллари билан боғлиқлик жиҳатлари (n=576)

№	Омиллар	Ижтимоий-психологик компетентлик			
		Социал-перцептив компетентлик	Коммуникатив компетентлик	Когнитив компетентлик	Аутопси-хологик компетентлик
Коммуникатив ва социал компетентлилик омиллари	ИнсТ	<b>0,348*</b>	0,113	0,022	0,059
	ВТ	<b>0,305*</b>	-0,028	<b>0,418*</b>	-0,124
	Уд	-0,218	-0,106	-0,146	0,018
	АхУ	-0,101	0,018	0,106	-0,006
	ЭмБ	<b>0,216*</b>	-0,052	<b>0,385*</b>	<b>0,368*</b>
	Имидж	-0,020	-0,077	0,086	<b>0,287*</b>
	ВК	<b>0,318*</b>	<b>0,463**</b>	0,039	<b>0,383*</b>
	Ишончлилик	-0,168	-0,015	0,202	-0,067
	КомШХ	<b>0,401*</b>	0,090	-0,106	0,079

Изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ , \*\*  $p \leq 0,01$

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриниб турибдики, ижтимоий-психологик компетентлик мезонлари билан коммуникатив ва социал компетентлик орасида корреляцион боғлиқлар мавжуд. Хусусан, социал-перцептив компетентликни инсонларни тушуниш ( $r=0,348$ ;  $p \leq 0,05$ ), вазиятни тушуниш ( $r=0,305$ ;  $p \leq 0,05$ ), эмоционал барқарорлик ( $r=0,216$ ;  $p \leq 0,05$ ), вербал компетентлик ( $r=0,318$ ;  $p \leq 0,05$ ), коммуникатив шахсий хусусиятлар ( $r=0,401$ ;  $p \leq 0,05$ ) билан, коммуникатив компетентликни вербал компетентлик ( $r=0,463$ ;  $p \leq 0,01$ ) билан, когнитив компетентликни вазиятни тушуниш ( $r=0,418$ ;  $p \leq 0,05$ ), эмоционал барқарорлик ( $r=0,385$ ;  $p \leq 0,05$ ) билан, аутопсихологик компетентликни эса эмоционал барқарорлик ( $r=0,368$ ;  $p \leq 0,05$ ), имидж ( $r=0,287$ ;  $p \leq 0,05$ ), вербал компетентлик ( $r=0,383$ ;  $p \leq 0,05$ ) билан ижобий аҳамиятли корреляцияга эга эканлиги аниқланган. Қолган омиллар билан аҳамиятли боғлиқлик кузатилмаган.

Бизга маълумки, ижтимоий-психологик компетентликнинг намоён бўлиши ва ривожланиши учун унинг тўрт компонентини шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-психологик компетентликнинг социал-перцептив компетентлик мезонининг ривожланганлигини кўрсатиб берувчи ички механизм тарбиячининг инсонларни ва вазиятни тушуниши билан боғлиқдир. Инсонлари ҳамда вазиятни тушуниш, таҳлил қилиш орқали «тарбиячи – бола – ота-она», «тарбиячи – тарбиячи» муносабатлари тизимида ўзига хос ижтимоий трансформация кузатилади. Мазкур ҳолат эмпатиявий таъсирланиш натижасида келиб чиқади. Эмпатиявий таъсирланиш юзага келиши учун эса тарбиячиларда эмоционал барқарорлик устун бўлиши лозим. Тарбиячилардаги эмоционал барқарорлик ота-оналар, ҳамкаслар билан юзага келадиган стрессоген вазиятларга муваффакитяли мослашиш орқали эмоционал зўрикишларни олдини олинишини таъминлади. Тарбиячилардаги эмоционал барқарорлик шахслараро муносабатлардаги низоларни олдини олиш учун зарур бўлган мулокотда ўз-ўзини бошқара олиш, ҳиссийётларини назорат қилиш, эмоционал интеллектнинг юқори даражада риволанганлигидан далолат беради. Тарбиячиларнинг эмоционал барқарорлиги вазият ҳамда шахснинг ўзи билан боғлиқ эмоцоген таъсирларга нисбатан хавотирланиш даражасини шахснинг ўзига адекват баҳоси

ҳисобига пасайишига замин ҳозирлайди. Натижада тарбиячидаги эмоционал барқарорлик шахсларо муносабатлардаги хавотирланиш даражасини пасайтириб, рефлексив эмпатияйи таъсиrlаниши кучайтиради ва сұхбатдошлар орасыда бир-бирини идрок қилиш, тушуниш даражаси ортади. Инсонларни ҳамда вазиятни психологик түсікласиз рефлексив тушуниш эса тарбиячиларнинг профессионал компетентлиги ортишига олиб келади. Тарбиячилардаги социал-перцептив компетентликни намоён бўлишида вербал компетентлик ҳамда коммуникатив шахс хусусиятларининг ўрни ҳам каттадир. Хусусан, тарбиячилардаги вербал компетентлик уларнинг сўзниг таъсиrчанлик жиҳатидан унумли фойдаланишларини, вербал ҳамда новербал мулоқот усувларини ўзаро уйғунлаштира олишларини англатади. Тарбиячи ўз фаолият юритадиган турли ёш ва ижтимоий келиб чиқишига эга бўлган аудиторияга маълумотни етказиш учун зарур сўзларни керакли вақтда кўллай олса, эксртролингвистик, паралингвистик таъсиr усувларидан ўринли фойдалансагина профессионаллик даражасига эришган бўлади. Социал-перцептив компетентлик фақатгина инсонларни ёки вазиятни тўғри идрок қилишни эмас, балки ўз фикр-мулоқазларини тингловичларга аниқ ва тушунарли тарзда етказиб беришни талаб қиласи. Шундай экан, сұхбатдошлар орасыда самарали мулоқот кечиши, тарбиячининг сұхбатдошига, сұхбатдошни тарбиячига мослашиши учун албатта вербал компетентликни ривожланган бўлиши зарурдир. Вербал компетентлик ўз навбатида вазминлик, хушмуомалалик, мулоқотдаги зийраклик, ижтимоий дадиллик каби коммуникатив шахс хусусиятари билан уйғун ҳолда тарбиячилар хулқида намоён бўлади ва социал-перцептив компетентликни шакллантиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ганжиев Ф.Ф., Қодирова М.Д. МАКТАБГАСЧА TA'LIM MUASSASASI TARBIYALANUVCHILARI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MOSLASHUVINING OZIGA XOS XUSUSIYATLARI. //Педагогик маҳорат. Илмий журнал. – Бухоро. 2020.№2. – Б. 109-111. (19.00.00. №7).
2. Ганжиев Ф.Ф., Тўлаев X.O. Researching the scope of the professional competence within activities. //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor ICV = 6. 630 Philadelphia, USA. 2019. –Б. 388-391.
3. Ганжиев Ф.Ф., Қосимова С.Б. Heads Of Competence In Psychologically School Education. International journal of scientific & Technology research volume 9, issue. 2020. -Б. 2787-2789.
4. F.F. Ganjiev. The basis of social and psychological adaptation of children in the conditions of preschool education. Bulletin of integrative psychology. Journal for psychologists, 59-64.
5. Ф.Ф. Ганжиев. ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ЧЕЛОВЕКА В ЭКСТРЕМАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ. Лазаревские чтения Лики традиционной культуры в, 2018. С. 117-118.

## **О ГЛАГОЛАХ СО ЗНАЧЕНИЕМ ЭМОЦИЙ, ЧУВСТВ**

**Мусаев Э. X.-** преподаватель кафедры НавГПИ

**Annotation:** The article deals with verbs with the meaning of emotions, feelings. The functional realization of the semantic features of verbs is analyzed.

**Key words:** emotion, single-valued, multi-valued, direct, figurative.

В настоящее время эмоциональная лексика остается до конца неизученной, а касающиеся ее вопросы являются спорными, тем самым продолжают вызывать интерес со стороны многих исследователей. До сих пор для целого ряда дисциплин изучение сферы эмоций и чувств является актуальным, так как человек испытывает достаточно широкий диапазон эмоций. Для лингвистики эмоциональная сфера представляет особую значимость, поскольку уникальность эмоций и чувств обнаруживается в первую очередь в многообразии языковых средств их выражения. Современные лингвистические исследования продолжают рассматривать особенности эмоциональной сферы человека, его психических и психофизических состояний и их отражение в языке.

Глагол – необыкновенная часть речи. Необыкновенна она уже тем, что обозначает действие, и поэтому глагол обладает огромным потенциалом для выражения бесчисленных действий, сопровождающих человека. Общий семантический признак “испытывать чувство”

## MUNDARIJA

### ZAMONAVIY OLIY TA'LIM SIFATINI TAKOMILLASHTIRISHDA ILMIY-INNOVATSION YONDASHUVLAR

Sobirov B.B., t.f.d., professor

Navoiy Davlat pedagogika instituti rektori, O'zbekiston.....3

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ АКТУАЛ ВА ПОТЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафарова Нигора Олимовна – фалсафа фанлари доктори, профессор,

НавДПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири.....5

### АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА НОТИҚЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА РИВОЖ ТОПИШИ

Г.М.Рузматова –

ЎзМУ профессори, фалсафа фанлари доктори.....6

### АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЙИЧА МАХСУС СЕМИНАРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ахмедова Ш.Н.- филология фанлари доктори, профессор, БухДУ.....9

### OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNING DOLZARB MASALALARI

Baymetov B.B.- professor, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika universiteti.....13

### МАҲАЛЛАЛАРДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ ТИЗИМИ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мирзажонова Д.- п.ф.н., доц., Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи.....15

### АБУ НАСР ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Воҳидова М.Т.- доц., “Ижтимоий фанлар” кафедраси, БухМТИ.....17

### РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мурадов С.А.- (PhD) доцент, БМТИ.....20

### ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИННИНГ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАҚДИРИДАГИ АҲАМИЯТИГА ДОИР

Ҳайдаров К.Д.-ф.ф.д.(DSc), доцент, Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга

ўргатиш миллий маркази.....22

### ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ВА БУХОРО

Нурматова Н.- доцент, БухМТИ

Сафоев Н.-талаба, БухМТИ.....24

### МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗДА “ХУШ ДАР ДАМ” РАШҲАСИ

Нурматова Н.-доцент, БухМТИ

Сафоев Ж.-талаба, БухМТИ.....27

### ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ВА ХОЖАГОН- НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ

“НАЗАР БАР ҚАДАМ” РАШҲАСИ

Нурматова Н.У.-доцент, БухМТИ.....30

### THE ROLE OF INNOVATIVE AND DIGITAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF SCIENCE AND ACADEMIC EDUCATION

Tukhtaeva K.D.-associate professor of Navoi State Pedagogical Institute,

Candidate in Philological Sciences, Navoi, Uzbekistan.....32

АКТУАЛЬНОСТЬ КОНЦЕПЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА Филиппов Ольгерд Александрович, негосударственное учреждение высшего образования “PROFI UNIVERSITY”, филиал в г. Навои.....	34
ZAMONAVIY ILMIY DUNYOQARASHNING FALSAFIY VA FIZIKAVIY MUAMMOLARI Bekro'latov U.R.- f.f.b. falsafa doktori (PhD), dotsent, “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi, NavDPI.....	37
BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH YO'LIDA XALQARO HAMKORLIKNI AHAMIYATI Pulatov Jaxongir Nazirovich – Navoiy viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi “Ijtimoiy-iqtisodiy va amaliy fanlar metodikasi” kafedrasi dotsenti, f.f.f.d. (PhD).....	40
РАҚАМЛИ ЖАМИЯТЛАР ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ Ачилова М.Э.-катта ўқитувчи, НавДПИ.....	42
JALOLIDDIN DAVONIY AXLOQIY QARASHLARI VA UNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI D.A.Axatova –p.f.n. dotsent, NavDPI “Umumiy pedagogika va psixologiya” kafedrasi X.A.Axatova –o'qituvchi, NavDPI “Umumiy pedagogika va psixologiya” kafedrasi.....	45
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАКОМИЛИГА РУС БОСҚИННИНГ ТАЪСИРИ Тошбоев Б.Э.- ф.ф.б.ф.д. доц., Жиззах ДПУ.....	47
РОЛЬ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЕ И РАЗВИТИЯ Абдуазимова З.- доктор философских наук (PhD) и.о. доцент кафедры «Этики и эстетики» Национального Университета Узбекистана.....	49
СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР Ганжиев Ф.Ф.- п.ф.б.ф.д. (PhD), БухДУ.....	53
О ГЛАГОЛАХ СО ЗНАЧЕНИЕМ ЭМОЦИЙ, ЧУВСТВ Мусаев Э. Х.- преподаватель кафедры НавГПИ.....	55
OILA VA TALABA YOSHLAR MUNOSABATI OILA --MA'NAVIYAT QO'RG'ONI Tursunova N.- f.f.f.d., O'zbek tili va adabiyoti kafedrasi dotsenti, NavDPI.....	57
ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШДА УМУМИНСОНИЙ МАЊНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЎРНИ Каримова Д.А.- фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Навоий вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази “Ижтимоий-иктисодий ва амалий фанлар методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.....	57
ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ Шухратов Ш.Ш.-Навоий шаҳар ИИБ Ташкилий бўлим бошлиғи.....	60
ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ Шухратов Шерзоджон Шухратович- Навоий шаҳар ИИБ Ташкилий бўлим бошлиғи.....	62
ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИНИ шакллантиришда ахборот технологиялари ва ижтимоий – гуманитар фанларнинг ўрни. Ашурев Ш.Ш.- катта ўқитувчи, НавДПИ.....	64